

Тренинг таассуротлари

М. Улуғбек тумани, Чуст кўчаси 1 - уйда жойлашган «Платформа» ўқув марказида ташкил этилган тренингда “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси ассистенти Ж. Қосимов ҳам қатнашди ва тренинг машғулотида олган малака ва кўникмалари билан “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси аъзолари билан ўртоқлашди.

Ж. Қосимов 7 - 8, 10 - 11 май кунлари бўлиб ўтган тренинг дастурида кўрсатилган ҳар бир бандлари бўйича олинган билимлар асосида кўрсатилган топшириқларни бажарди. Тренингнинг охириги, яъни 11 май 2019 йили “Презентатсия қилиш шартлари” мавзусида битирув иши тақдимотини ҳимоя қилди. Ушбу Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш» дастури доирасида амалга оширилаётган БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг «Техник салоҳиятни мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаси бўйича олган билимларни кафедрада тақдимот қилиб ҳисобот берди.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов